“Нефтгазқурилиштаъмир” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш
1-сонли БАЁННОМАСИ.

Бухоро вилояти Бухоро шаҳри 29 июн 2017 йил.
Б.Нақшбандий кўчаси 160/1 уй. соат 11-00
Саноқ комиссияси таркиби:
1) Собиров Ж.А.(саноқ комиссияси раиси).
2)Қўшаев Қ.Ҳ. (аъзоси)
3)Самиев М.М. (аъзоси)
Раислик қилувчи: А.Қ.Азизходжаев
Йиғилиш котибаси: Р.М.Бердиева
Қатнашдилар:
1) “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АК вакили А.Қ.Азизходжаев211437 дона акция (36%) билан;
2) “ERIELLGmbH” Компанияси вакили Р.Қ.Иргашев 88103 дона акция (15%) билан;
3) Акциядорлар 21 нафар 29201дона акция билан ( 5,02 %)
Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган оддий акциялар сони 580 550 дона.
Жами йиғилишда қатнашаётган акциядорлар сони 23 нафар 328 741 донаакция билан.
Умумий йиғилиш кворуми56,62 %.
Тарқатилди: 23бюллетень 328 741дона овозга,
Топширилди: 23 бюллетень 328 741 дона овозга.

**Кун тартиби, маърузачилар рўйхати ва йиғилиш регламенти:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш; | Азизходжаев А.Қ. 5-дақиқа. |
| 2. | Акциядорлар умумий йиғилишининг саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш; | Азизходжаев А.Қ. 5-дақиқа. |
| 3. | Жамият Кузатув кенгашининг 2016 йил учун бажарилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш; | Азизходжаев А.Қ. 5-дақиқа. |
| 4. | Жамият бошқаруви раисининг “ Жамият бизнес режасининг 2016 йил натижалари бўйича кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисида” ги ҳисоботини тасдиқлаш; | Ражабов А.С. 15-дақиқа. |
| 5. | Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш; | Зоиров Р.М. 15-дақиқа. |
| 6. | Жамият тафтишчисининг 2016 йил натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш; | Қўшаев Қ.Ҳ. 5-дақиқа. |
| 7. | 2016 йил учун жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширув натижалари бўйича “PROGRESS-AUDIT” маъсулияти чекланган жамият шаклидаги ташқи аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хулосасини тасдиқлаш; | Қўшаев Қ.Ҳ. 5-дақиқа. |
| 8. | Жамиятда 2016 йилда корпоратив бошқарув тизимни баҳолаш натижасини кўриб чиқиш; | Қўшаев Қ.Ҳ. 10-дақиқа. |
| 9. | Жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш; | Джунаидов Ҳ.Ҳ. 10-дақиқа. |
| 10. | 2016 йил учун жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти натижалари бўйича олинган соф фойда тақсимоти ва тартибини тасдиқлаш; | Қўшаев Қ.Ҳ. 10-дақиқа. |
| 11. | Жамиятнинг Кузатув кенгаши шахсий таркибини сайлаш; | Ҳотамов К.Н. 10-дақиқа. |
| 12. | Жамиятнинг тафтишчиси аъзосини сайлаш; | Қўшаев Қ.Ҳ. 10-дақиқа. |
| 13. | Жамиятнинг ижроия органини тузиш ва унинг аъзоларини сайлаш ҳамда улар билан бир йилга меҳнат шартномасини тузиш тартибини тасдиқлаш. | Ҳотамов К.Н. 5-дақиқа. |
| 14. | Жамиятнинг 2017 йиллик молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини текширувдан ўтказиш бўйича аудиторни сайлаш ва унга тўланадиган энг кўп хизмат ҳақини белгилаш; | Қўшаев Қ.Ҳ. 10-дақиқа. |
| 15. | “Нефтгазқурилиштаъмир” АЖ фаолиятининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, аниқ даврни белгилаб, узоқ ва ўрта муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш. | Ахметов И.Ҳ. 15-дақиқа. |
| 16. | “Нефтгазқурилиштаъмир” АЖ акциядорларининг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда, жамият жорий хўжалик фаолияти давомида ўзининг аффилланган шахслари билан тузадиган ёки тузиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш; | Қўшаев Қ.Ҳ. 10-дақиқа. |

Кун тартибидаги 1 масала:“Нефтгазқурилиштаъмир” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш” бўйича А.Қ.Азизходжаев умумий йиғилишни очиб,умумий йиғилиш регламенти билан таништирди ва умумий йиғилиш регламенти бўйича овоз бериш бюллетенларига тегишлитарзда овоз беришларини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги 1 масала бўйича умумий йиғилиш қарор қилади:

1)“Нефтгазқурилиштаъмир” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.

“Ёқланди” 328741 “Қарши” йўқ. “Бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги 2 масала:“Нефтгазқурилиштаъмир”АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш” масаласида умумий йиғилиш раиси А.Қ.Азизходжаев жамият кузатув кенгашининг 8 июн 2017 йилги жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш бўйича ўтказилган мажлис қарорига асосан, Нефтгазқурилиштаъмир”АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши саноқ комиссияси шахсий таркибига қуйидагилар яъни умумий йиғилишни ўтказиш саноқ комиссияси раиси Собиров ЖамшидАхтамович, аъзолари Кўшаев Қаҳрамон Ҳасанович ва Самиев Меҳриддин Муҳиддинович номзодлари маъқулланиб умумий йиғилиш тасдиғига киритилганлиги тўғрисида тўхталиб, акциядорлардан овоз бериш бюллетенларига тегишлитарзда овоз беришлари ҳақида айтиб ўтди.

Кун тартибидаги 2 масала бўйича умумий йиғилиш қарор қилади:

1) “Нефтгазқурилиштаъмир”АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши саноқ комиссияси шахсий таркиби тасдиқлансин.

“Ёқланди” 328741“Қарши” йўқ. “Бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги 3 масала; “Жамият Кузатув кенгашининг 2016 йил учун бажарилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш” бўйича Кенгаш раиси А.Қ.Азизходжаев ҳисоботи.

“Нефтгазқурилиштаъмир” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2016 йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш” масаласи бўйича жамият кузатув кенгаши раиси А.Қ.Азизходжаев ҳисобот берди; Жумладан маърузачи, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 06 майдаги 370-сонли янги таҳрирдаги қонуннинг 76 моддаси 7 хат бошиси талаби ҳамда жамият уставига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 нафар қилиб белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар қуйидаги таркибда фаолият олиб борилганлигини таъкидлаб ўтди:

1. Азизходжаев А.К. - жамият Кузатув кенгаши раиси,
2. Турдибаев А.А.- кенгаш аъзоси
3. Тўлаев Б.Д. - кенгаш аъзоси,
4. Ибодуллаев Ғ.К - кенгаш аъзоси,
5. Закиров А.А.- кенгаш аъзоси,
6. Мирфайзиев М.М. - кенгаш аъзоси,
7. Сайфуллаев А.Х.- кенгаш аъзоси,
8. Рахматов Д.А.- кенгаш аъзоси,
9. Изюмова Н.Қ.- кенгаш аъзоси.

Ҳисобот даврида жамият Кузатув кенгаши томонидан жами 15 маротаба кенгаш мажлислари ўтказилган бўлиб, унда юқорида айтиб ўтилган қонуннинг 75 моддасига асосан кенгаш ваколатига кирадиган масалалар шу жумладан: акциядорлик жамиятинииқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари ҳар чоракдаги якунлари муҳокама қилиниб борилганлиги, ҳамда ўз фаолияти доирасида зарур кўрсатмалар берилиб тегишли қарорлар қабул қилинганлиги таъкидланди. Ундан ташқари Кузатув кенгаши томонидан 2015 йилда 2 маротабажамият акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинибқонунда белгилангантартибвамуддатларда ўтказилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Кун тартибидаги 3 масала кўриб чиқилгандан сўнг умумий йиғилиш қарор қилади:

1)Акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2016 йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

“Ёқланди” 328 741 “Қарши” йўқ. “Бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги 4 масала: Жамият бошқаруви раисининг “Жамият бизнес режасининг 2016 йил натижалари бўйича кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисида”ги ҳисоботини тасдиқлаш масаласида “Нефтгазқурилиштаъмир” АЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи А.С.Ражабовнинг ҳисоботи.

Жамият томонидан 2016 йилда акциядорлик жамияти Бизнес-режасини бажариш борасидаги амалга оширилган ишлар юзасидан батафсил ҳисобот берадиган бўлсак бир қатор амалий ишлар бажарилди; жумладан «Ўзбекнефтгаз» Миллий Холдинг Компанияситомонидан тасдиқланган манзилли дастурлар асосида ишлаб-чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш, бино ва иншоотларни қуриш, мукаммал таъмирлаш ҳамда нефт ва газ объектлари тизимларининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича режалаштирилган комплекс тадбирларни амалга ошириш борасида қатор ижобий кўрсаткичларга эришилганлиги;

Жумладан 2016 йилда бош пудрат асосида бажарган қурилиш монтаж ишларининг ҳажми 121 млрд. 568,0 млн. 359,0 минг сўмни шу жумладан, ўз кучимиз билан бажарилган қурилиш монтаж ишларининг умумий ҳажми 82 млрд. 689,0 млн. 020,0 минг сўмни ташкил қилди, жамият томонидан тасдиқланган Бизнес-режага нисбатан 131,3 (фоиз) га бажарилди, бу кўрсаткични ўтган 2015 йилда ўз кучимиз билан бажарилган қурилиш монтаж ишларнинг ҳажмига нисбатан таққослаганда 95,6 ташкил қилади. 2016 йил молиявий хўжалик фаолияти бўйича жамият соф фойдаси 2015 йилда олинган соф фойдага нисбатан 523 млн. 959,0 минг сўмга ўсиши кузатилди, яъни агар 2015 йил якуни бўйича соф фойда 2 млрд. 934 млн. 776,0 минг сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йил молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича 3 млрд. 458 млн. 735,0 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, ўсиш даражаси 117,9 (фоиз)ни ташкил қилганлиги бўйича таъкидланди.

Акциядорлик жамияти бизнес-режасининг асосий кўрсаткичлари:

| № | Кўрсаткичлар | Режа. | Бажарилди. | (%) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | ҚМИ ҳажми бош пудрат. | 63 млрд. | 121 млрд.568 млн. 359,0 минг сўм. | 193 % |
| 2 | Қ М И ўз кучимиз билан. | 63 млрд. | 82 млрд. 689,0 млн. 020,0минг сўм. | 131.3% |
| 3 | Меҳнат унум. 1 ишловчига | 43 млн. 418,3 минг сўм. | 49 млн. 573,8 минг сўм. | 114,2% |
| 4 | 1-ходимнинг ўртача ойлик иш ҳаққиси. | 956 582 сўм. | 1 249 437 сўм. | 130,6% |
| 5 | Соф фойда. | 2 млрд. 447,0 млн. сўм. | 3 млрд. 458 млн. 735,0 минг сўм. | 141,3% |

2016 йилда жамиятимиз унитар корхоналари томонидан қатор муҳим объектлар ва иншоотлар қуриб фойдаланишга топширилди. Жумладан ўз кучимиз билан қуйидаги буртмачилар билан қурилиш монтаж, таъмирлаш, капитал таъмирлаш ва шунга ўхшаш пуллик хизматлар бажарилганлигини айтиб, жумладан.

(минг сўм ҳисобида).

| | | |
|---|---|---|
| | **Жами пудрат ишлари ҳажми;** | **82 689 020,0** |
| | **Шу жумладан; Ишлаб-чиқариш объектлари қурилиши.** | **49 474 430,0** |
| 1 | **Муборак Нефтегаз МЧЖ объектлари бўйича. Жами;** | **7 501 101,0** |
| 2 | **Жумладан:** Алан ҳавзасини ўзлаштириш. | 1 270 623,0 |
| 3 | Гирсан Чулқувар ҳавзасини ўзлаштириш. | 4 619 085,0 |
| 4 | Шарқий испанли ҳавзасини ўзлаштириш. | 1 798,0 |
| 5 | ДЖейнав ҳавзасини ўзлаштириш. | |
| 6 | Сардоб ҳавзасини ўзлаштириш. | 1 003 586,0 |
| 7 | Култак ҳавзасини қўшимча ўзлаштириш ДКС билан модернизация қилиш. | 261 040,0 |
| 8 | Сарикум ҳавзасини қўшимча ўзлаштириш. | 344 969,0 |
| 9 | **Муборак нефт газ монтаж объектлари бўйича. Жами:** | **4 235 103,0** |
| 10 | Жумладан; Памук ДКС УПКГ Култак Д-720 трубовровод ўтказиш. | 1 146 556,0 |
| 11 | УП “НГУМ” АО “МНГМ” | 456 910,0 |
| 12 | Памук ҳавзасида УКПГ ни реконструкцияси. | 29 093 |
| 13 | Умид-Жейнав-Пирназар-Кукдумалокда Д- 720 мм ли труба монтаж. | 2 602 544,0 |
| 14 | **Нефтгазмонтаж объектлари бўйича; жами** | **2 079 289,0** |

| | | |
|---|---|---|
| 15 | Жумладан;   Ширин Сирдарё Мг қурилиши. | 2 079 289,0 |
| 16 | **Газлинефтгазқазибчиқариш объектлари бўйича: жами;** | **21 764 765,0** |
| 17 | Жумладан; “Газлинефтгазқазибчиқариш” МЧЖ  ўз  қурилиши. | 2 101 663,0 |
| 18 | Қумли-Тойлоқ,Қўшимча Чегарақум газконденсат ҳавзасини ўзлаштириш. | 19 663 102,0 |
| 19 | Газлида ДКС 2-босқич газни қуритиш мосламасини қуриш. | 13 894 172,0 |
| 20 | Қарши шаҳридаги 2-та котедж қурилиши. | 2 016 885,0 |
| 21 | Косонда сутни қайта ишлаш цехини қурилиши. | 79 388,0 |
| 22 | Шахрисабз тумани Кани посёлкасида соғломлаштириш маркази қурилиши. | 1 477 648,0 |
| 23 | “Жўйзар соғломлаштириш маскани” даволаш диагностика корпуси реконструкцияси. | 1 430 681,0 |
| 24 | Косон тумани  Машал маҳалласида хизмат кўрсатиш соҳаси марказини  қурилиши. | 1 233 134,0 |
| 25 | Шўрчи тумандида тўқув фабрикасини қурилиши. | 6 320 734,0 |
| 26 | “Шўртаннефтгаз” МЧЖ буюртмасига асосан Касби туманида товуқ фермаси  қурилиши. | 254 885,0 |
| 27 | Шахрисабз тумани Оқдарё қишлоғида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлайдиган холодилник қурилиши. | 41 032,0 |
| 28 | Автомобилчи болалар соғломлаштириш оромгоҳи реконструкцияси. | 1 015 514,0 |
| 29 | Устюрт ГУК 1-босқич Акчалак посёлкасида котедж қурилиши. | 24 271,0 |
| 30 | **Капитал таъмирлаш ва бошқа маблағлар  ҳисобидан тўғридан-тўғри шартномалар  бўйича:  жами;** | **33 214 590,0** |
| 31 | Жумладан,  “Муборакнефтмонтаж”  УДП  бўйича; | 25 965 985,0 |
| 32 | “Нефтгазқурилиштаъмир”  АЖ  бўйича; | 844 801,0 |
| 33 | “Газлинефтгазқазибчиқариш”  МЧЖ | 1 798 943,0 |
| 34 | “Трансгазинжиниринг”  УК бўйича; | 14 679,0 |
| 35 | Муборак Газни Қайта ишлаш заводи.(МГПЗ)   бўйича; | 2 725 468,0 |
| 36 | “Шўртаннефтгаз” Унитар шўъба корхонаси   бўйича; | 377 947,0 |
| 37 | **Тўғридан-тўғри шартномалар  бўйича;** | **1 486 767,0** |
| 38 | Тошкент шаҳридаги ТТ ва БШК да қурилиш ишлари бажарилиши. | 908 675,0 |
| 39 | Қоравулбозор  туманида  ТТ ва  БШК  қурилиши. | 56 881,0 |
| 40 | Бухоро Ремонт механика заводида қурилиш ишлари бажарилиши. | 80 429,0 |
| 41 | Учқир-Газли МГ участкасида дефект ишларини бажарилиши. | 410 639,0 |
| 42 | Муборак шаҳрида сув билан таъминлаш ишлари билан боғлиқ бажарилган ишлар. | 21 340,0 |
| 43 | “Нефтгазтадқиқот” АЖ фасад қисмини капитал  таъмирлаш  ишлари. | 8 803,0 |

Ҳисобот йилида дебиторлик қарзини камайтириш бўйича топшириқ 71,0 млрд. сўм қилиб белгиланган бўлиб, бу топшириқ 73 млрд. 222,4 млн. сўмга камайтирилишига эришилди кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича эса топшириқ 72 млрд. 500,0 млн. сўм ҳақиқатда эса бу топшириқ 74 млрд. 580,0 млн сўмга бажарилиб, АК томонидан қўйилган топшириқ мутаносиб равишда 103,1 % ва 102,9 % га, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 июндаги №ПҚ-2545-сонли, «Ўзбекнефтегаз» МХКсининг, ва «Ўзнефтгазказибчикариш» АКсининг 2016 йил 14 июндаги №141 сонли қўшма буйруғига асосан 2016–2017 йиллар куз-қиш фаслига тайёргарлик бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди жумладан исситиш тизимларида ва қозонхоналарда мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганлиги, авария-диспетчерлик хизматлари транспорт воситалари ва моддий-техник ресурслар билан таъминланган.

Корхоналардаги мавжуд техника ва механизмларнинг ишга яроқлилик ва техник ҳолатининг пастлигини инобатга олиб асосий диққат эътибор уларни таъмирлаш ва профилактикасига қаратилди. 2016 йилда жамият томонидан 2 дона автосамосвал MAN 1 дона яримприцеп контейнер ташийдиган бортовой ва 1 дона ISUZI бензий ва салярка ташийдиган юк автомашиналари Республика Корпорацион биржалари орқали шартнома қилиниб сотиб олинда ва жамиятнинг мавжуд техника парки маълум маънода яхшиланди. Ундан ташқари 2017 йилда жамиятга 1 дона сув ташийдиган ISUZI

автомашинаси, 1 дона автобус, 2 дона ISUZI бортили автомашинаси, 1 дона автокран MAN 16 тонна юк кўтарадиган, 1 дона автокран MAN 25 тонна юк кўтарадиган, ва 1 дона автофургон MAN сотиб олиш бўйича Республика корпорацион биржаси орқали шартномалар имзоланган бўлиб уларнинг 50 % тўлови жамият томонидан амалга оширилган. Жамият томонидан 2016 йилда жами 106 дона шундан; 98 та автотранспорт воситаларига ва 8 дона механизмларга JPS (ЖПС) мониторинг тизими ўрнатилди ва ишлаб турибди. Жамият техника таъминотининг яхши ишлаши учун катта маблағ сарфланди. Сарфланган маблағларнинг асосий қисми зарур эҳтиёж қисмлар, автошиналар ва аккумуляторлар харид қилишга йўналтирилганлиги айтиб ўтилди.

2016 йилда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 628 млн. 925,0 минг сўм маблағ сарфланган, Жумладан:

-Шахсий ҳимоя воситалари (СИЗ) харажатлари учун 533 млн. 725,0 минг сўм.
- Мухандис ва техник ходимларни ўқитиш ва бошқа харажатлар учун 31,6 млн. сўм.
- Техника хавфсизлиги бўйича ҳужжатлар ва плакатлар тайёрлаш ишлари учун 4,0 млн сўм.
-Номенклатура яъни ишлар рўйхатига оид ҳужжатларни тайёрлаш учун 45,2 млн сўм.
- Сут маҳсулотлари ва сут ўрнини босувчи маҳсулотлар учун 8,6 млн сўм.
- Дори дармонлар учун 5,8 млн.сўм,

Шунингдек жамият ишчи ходимлари тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Жорий йилда 1560 та ишчи-хизматчиларимиз тиббий кўрикдан ўтказилди, шунда 126 та ҳар хил касалликлар аниқланди ва ушбу касалликлар бўйича ишчи-хизматчилар профилактика ва даволаниш масканларига юборилди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ишловчиларимиз тўлиқ махсус кийим – кечак ва махсус оёқ кийимлари билан таъминланган.

2017 йил бўйича жамият олдида турган вазифалар.

2017 йилдаги асосий вазифалар, қурилиш–монтаж ишларининг умумий ҳажми ўз кучимиз билан 69,3 млрд.сўм атрофида бўлиши режалаштирилмоқда. Жамият ижроия органи томонидан ишлаб чиқилган жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган бизнес-режаси параметрларининг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборатлиги.

1). 2017 йил йиллик соф тушум 79 300 000,0 минг сўм , шу жумладан; 69 300 000,0 минг сўм ўз кучимиз билан бажариладиган қурилиш монтаж ва таъмирлаш ишларининг ҳажми, 10 000 000,0 минг сўм реализация ҳисобидан олинадиган даромад ҳисобланади , чораклар кесимида 1 чоракда 16 910 000,0 минг сўм, 1 чи ярим йилликда 38 385 000,0 минг сўм, 9 ойликда 60 355 000,0 минг сўм қилиб белгиланган.Жамият соф фойдаси 2017 йил йилликда 2 682 214,0 минг сўм бўлиши режалаштирилган.

2017 йилда жамият томонидан бажариладиган ўз кучимиз билан қурилиш монтаж ва таъмирлаш ишларини қуйидаги буюртмачилар билан имзоланган шартномалар орқали олиниши кўзда тутилганлиги бўйича таъкидланиб, Жумладан;

1). “Муборакнефтегаз” МЧЖ буюртмаси бўйича: А).Жанубий Алан нефт газ кони ҳавзасини ўзлаштириш бўйича 1,5 млрд.сўм. Б).Шахрисабз тумани Кани посёлкасида Соғломлаштириш комплекси бўйича бажариладиган ишлар ҳажми 16,5 млрд.сўм.В). Косон шаҳридаги хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини қуриш бўйича 0,5 млрд сўм.2). “Шўртаннефтгаз” МЧЖ буюртмаси бўйича:А). Касби туманидаги 14 минг товуқ боқишга мўлжалланган товуқ фабрикасининг қурилиши бўйича 14,6 млрд.сўм.3). “Газлинефтгазқазибчиқариш” МЧЖ буюртмаси бўйича:А). Қумли, Тойлоқ, Қўшимча, ва Чегарақум 2 босқич газ конденсат ҳавзаларини ўзлаштириш бўйича мўлжал иш бажариш ҳажми 26,5 млрд.сўмни ташкил қилади.4). “Андижоннефт” АЖ буюртмаси бўйича:А). “Андижоннефтсаноат” посёлкасидаги нефт ўтказиш ишлари бўйича 0,8 млрд. сўм.Б). Фарғона вилояти Риштон туманидаги “Автомобилчи” болалар соғломлаштириш ормгоҳини реконструкция қилиш ишлари бўйича 0,2 млрд. сўм иш бажарилиши режалаштирилган.“Мовий Гулхан” болалар соғломлаштириш комплекси бўйича 2,9 млрд. сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган бўлиб, ундан ташқари тўғридан тўғри шартномалар бўйича ҳам бир қатор шартномалар имзоланган.

(2016 йил йиллик бизнес-режани бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раиси в.б А.С.Ражабовнинг ҳисоботи ҳамда 2016 йил якунлари бўйича бизнес режани бажирилиши тўғрисида бюллетенлар тўплами илова қилинади. Илова ___варакда.)

Кун тартибидаги 4-масала кўриб чиқилгандан сўнг умумий йиғилиш қарор қилади:

1).“Нефтгазқурилиштаъмир” АЖ бошқаруви раисининг 2015 йил якуни бўйича жамиятнинг бизнес режа кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш” масаласида жамият бошқаруви раиси в.б. А.С.Ражабовнинг ҳисоботи тасдиклансин.

“Ёқланди” 328741 “Қарши” йўқ. “Бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги 5-масала“Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш”юзасидан жамият бош ҳисобчиси Р.М.Зоировҳисобот берди.

Маърузачи жамиятнинг 2016 йилги бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмларининг ҳар бир счётлари бўйича қолдиғини аниқ таҳлил қилиб берди. (2016 йил 31 декабрҳолатидаги бухгалтерия баланси, даромадлар ва харажатларҳисоби ва маърузачинингҳисоботи илова қилинади).

Кун тартибидаги 5 масала кўриб чиқилгандан сўнг умумий йиғилиш қарор қилади:

1).Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланси, даромадлар ва харажатлар счётлари бўйича ҳисоботи тасдиклансин.

“Ёқланди” 328741 “Қарши” йўқ. “Бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги 6 масала; “Жамият тафтишчисининг 2016 йил натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш” бўйича жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Қўшаев Қ.Ҳ. ҳисобот берди.

Жумладан маърузачи; жамият тафтишчиси томонидан 2016 йил якуни бўйича тузилган ҳисобот натижалари ва шунга асосан тузилган хулосага кўра; “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2014 йилги 370 сонли янги таҳрирдаги қонунининг 107 моддасининг 8 қисмида кўрсатилган ахборотни, яъни ; - жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузиши бу хулосада жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шартлиги белгилаб қўйилган таъкидлаб, акциядорлик жамияти томонидан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажарилиши, амалга оширилаётган битишувлар, контрогентлар билан бўладиган ҳисоб- китобларнинг қонунийлиги юзасидан, ҳамда бухгалтерия ва статистик ҳисоботнинг мавжуд норматив ҳужжатлар билан мувофиқлигини таҳлил қилиниб борилганлиги, хўжалик-молия, ишлаб-чиқариш фаолиятида ўрнатилган меъёрий ҳужжатлар, қоидалар ва бошқаларга риоя қилинишини юзасидан таҳлил ишлари доимий амалга оширилиб борилганлиги, жамият томонидан бюджетга тўловларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида кўчириб берилишини, дивидентларни ҳисоблаш ва тўланиши бошқа мажбуриятларнинг қонун асосида бажарилиши бўйича таҳлил ва хулосалар тайёрланганлиги таъкидлаб ўтди.

Акциядорлик жамиятининг балансини тайёрланиши, солиқ инспекцияси, статистика органларининг ва давлат бошқарув органлари учун ҳисобот ҳужжатларини тўғрилигини доимий ҳар чоракда таҳлили амалга оширилган;акциядорлик жамияти бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорлар, акциядорлик жамияти бошқаруви тўғрисидаги Низом ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорларга мослиги бўйича мониторинг ўтказилиб айрим ҳолларда жамият ижроия органига ёзма тарзда тегишли кўрсатмалар берилиб борилган;

-Юқорида айтиб ўтилганларга мувофиқ ва жамият томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан 2016 йил давомида жамият томонидан амалга оширилган хўжалик операцияларининг ҳолати доимий таҳлил қилиниб борилиши бўйича қўпол молиявий хато ва камчиликлар ҳолати учрамаганлигини маълум қилинган, шу жумладан қонунининг 86,87,88,89,90,91 моддалари талабига асосан жамият аффилланган шахслари билан тузилган битимларнинг, ҳамда 83 84 моддаларга асосан йирик битимлар тузишда қонун талабларига риоя қилииши юзасидан ўрганиш ишлари амалга оширилган. <u>(Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ва йирик битимлар тузишда жамият томонидан қонун талабларига риоя қилиш бўйича алоҳида хулоса тақдим қилинган.)</u> “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2014 йилги 370 сонли янги таҳрирдаги қонунининг 107 моддаси Тафтиш комиссияси (тафтишчи) 11 хат бошиси талабига мувофиқ тафтиш комиссияси (тафтишчи) жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқиши белгилаб қўйилган;

Юқорида айтиб ўтилганларга мувофиқ, жамият томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан жамият томонидан 1 январ 2016 йилдан 31 декабр 2016 йилга қадар (2016 йил давомида) аффиланган шахслар билан тузган битимларга, ва йирик битимлар тўғрисидаги маълумотномалар

бўйича хулоса тайёрланганлиги, унга асосан юқорида айтиб ўтилган қонуннинг 85 моддасига асосан жамиятнинг аффилланган шахслари сони ва номланиши тўғрисидаги тўлиқ маълумот жамиятнинг WWW ngsr. uz расмий веб сайтида ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилганлиги, 2015 йил давомида жамият томонидан қонунининг 86,87,88,89,90,91 моддалари талабига асосан жамият аффилланган шахслари билан тузилган битимларнинг қонун талабларига риоя қилиниши ҳамда 83 ва 84 моддаларига асосан йирик битимлар юзасидан тўлиқ ўрганиш амалга оширилиб борилганлиги, ўрганиш жараёнида; жамият ва аффилланган шахслар ўртасида тузилган барча битимлар жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун тузилганлиги ва барча аффилланган шахслар билан тузилган битимлар қонун доирасида тузилганлигини ва 2016 йил мобайнида жамият томонидан бирор марта ҳам йирик битим имзоланмаганлигини маълум қилинган.

2016 йил давомида жамият ўзининг аффилланган шахслари билан 39 та ҳолатда битим имзолаган бўлиб, уларнинг рўйхати маълумот тариқасида илова қилинади илова 5 варақда. акциядорлар бугунги умумий йиғилиш қатнашчилари юқорида айтиб ўтилганларни инобатга олган ҳолда бугунги умумий йиғилишда акциядорлар олдида берилган, "Жамият тафтишчисининг 2016 йил натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш" юзасидан ҳисоботни, шу жумладан 2016 йил мобайнида жамият ўзининг аффилланган шахслари билан тузилган битимлари ҳамда йирик битимлар тузишда қонун талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани кўриб чиқиб тасдиқлаб бериш сўралди.

Кун тартибидаги 6 масала кўриб чиқилгандан сўнг умумий йиғилиш қарорқилади:

1"Жамият тафтишчисининг 2016 йил натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш" бўйича жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Қўшаев Қ.Ҳ. ҳисоботи тасдиқлансин.

"Ёқланди" 328 741 "Қарши" йўқ. "Бетараф" йўқ.

Кун тартибидаги 7-масала;"2016 йил учун жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятини текширув натижалари бўйича бўйича"PROGRESS AUDIT" маъсулияти чекланган жамият шаклидаги ташқи аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хулосасини тасдиқлаш;бўйича жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Қўшаев Қ.Ҳ. ҳисобот берди.

Жумладан маърузачи 1996 йил 26 апрелдаги № 223-1сонли "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг талабига мувофик ҳар бир акциядорлик жамияти, жамият акциядорларининг умумий йиғилишида жорий молия хўжалик йилининг тафтиши учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлаши умумий йиғилишда тасдиқлаб олиши ҳамда, молия йили тугаганидан сўнг ташқи аудиторлик текширувини ўтказиб унинг хулосасини жамият кузатув кенгаши мажлиси муҳокамасига киритиб ундан сўнг акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартибига киритиб кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши белгиланганлигини шунга асосан; жамиятнинг 2016 йилги молиявий хўжалик фаолияти бўйича "PROGRESS AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан ташқи аудиторлик текшируви ўтказилганлиги жамиятда бухгалтерия ҳисоби 1996 йилги 30 августдаги № 79-1 сонли "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги қонун талаблари асосида олиб борилганлиги, барча бухгалтерия счётларидаги қолдикларнинг баланс счётларида тўғри акс эттирилиши, жамият низом фонди ҳолати, "Молиявий натижалар ва улардан фойдаланиш тўғрисида"-ги 2 сонли ҳисоботнинг тўғрилиги ундаги маълумотларнинг бухгалтерия маълумотлари билан тўғри келиши тўлиқ текширилганлиги шунга асосан жамиятнинг 2016 йилги молиявий хўжалик фаолияти бўйича "PROGRESS-AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган текшириш натижалари бўйича 2017 йил 31 мартдаги ижобий аудиторлик хулосаси берилган, мазкур аудиторлик хулосасига кўра акциядорлик жамияти фаолиятида ва йиллик ҳисоботларида қўпол молиявий хато ва камчиликлар аниқланмаганлигини таъкидлаб, юқорида айтиб ўтилганларга асосан "PROGRESS-AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан берилган 2017 31 мартдаги ижобий хулосани маълумот учун қабул қилиб, тасдиқлаб беришни сўради.

"PROGRESS-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг 2017 йил 31 мартдаги ижобий аудиторлик хулосаси илова қилинади илова 1 варақда).

Кун тартибидаги 7 масалакўриб чиқилгандан сўнг умумий йиғилишқарорқилади:

1."2016 йил учун жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятини текширув натижалари бўйича бўйича"PROGRESS AUDIT" маъсулияти чекланган жамият шаклидаги ташқи аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хулосасини тасдиқлаш;бўйича жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Қўшаев Қ.Ҳ. ҳисоботи тасдиқлансин.

"Ёқланди" 328741"Қарши" йўқ. "Бетараф" йўқ.

Кун тартибидаги 8 масала;“Жамиятда 2016 йилда корпоратив бошқарув тизимни баҳолаш натижасини кўриб чиқиш” бўйича Қўшаев Қ.Ҳ. ҳисоботи.

Жумладан; Жамият акциядорларининг 2016 йил 18 августда ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорига асосан жамият томонидан 2016 йилнинг 01 сентябридан эътиборан, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси лойиҳасига асосан, жамият томонидан жамиятнинг тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда “Нефтгазқурилиштаъмир” акциядорлик жамиятининг “Корпоратив бошқарув кодекси” қабул қилинганлиги айтилди.

Кодекс Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларига асосланган бўлиб, 11 та бобдан иборат.

Кодекс талабларидан келиб чиқиб жамиятнинг бир қатор низомлари тасдиқланиб, баъзи ички меъёрий ҳужжатларининг бир қисми янги таҳрирда қайта тасдиқланган булар; Жумладан,

| | |
|---|---|
| 1. | Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш. |
| 2. | “Нефтгазқурилиштаъмир” акциядорлик жамияти фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш. |
| 3. | Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида: |
| 3.1 | Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда); |
| 3.2 | Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда); |
| 3.3 | Тафтишчи тўғрисидаги низом (янги таҳрирда); |
| 3.4 | Ижроия органи тўғрисидаги низом (янги таҳрирда); |
| 3.5 | Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом (янги таҳрирда); |
| 3.6 | Манфаатлар қарама-қашилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом; |
| 3.7 | Ички назорат тўғрисидаги низом; |
| 3.8 | Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом; |
| 3.9 | Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низом; |
| 4. | Жамият уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнини тасдиқлаш. |

Корпоратив бошқарув кодексига 2-илова

**Акциядорлик жамиятлари томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги тўғрисида**

**ХАБАР БЕРИШ ШАКЛИ**

**“Нефтгазқурилиштаъмир” акциядорлик жамияти**

“Нефтгазқурилиштаъмир” АЖ шуни маълум қиладики, акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг “18” август 2016 йилдаги 4-сонли қарори билан жамият томонидан “01” сентябр 2016 йилдан бошлаб Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг “31” декабр 2015 йилдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинганлиги бўйича жамиятнинг расмий веб-сайти ngsr.uz ва Open info да хабарнома қонунда белгиланган тартиб ва муддатда жойлаштирилган. Жамият томонидан корпоратив бошқарув кодекси тамойилларига риоя қилиниши бўйича “Ўзнуфтгазқазибчиқариш” АК нинг 28.04.2017 йилги 9/АТ-476 Ж сонли хатига асосан жамиятда 2016 йилда корпоратив бошқарув тизимни баҳолаш юзасидан жамият томонидан “HOMBUR-AUDIT” маъсулияти чекланган жамият шаклидаги аудиторлик ташкилоти билан 05.05.2017 йилги 30 сонли шартнома имзоланган бўлиб, аудиторлик ташкилоти томонидан “Нефтгазқурилиштаъмир” АЖ томонидан 2016 йилда кодек талабларига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилган бўлиб, уларнинг ижобий аудиторлик хулосаси яъни жамият фаолияти ушбу соҳада қониқарли деб топилганлиги тўғрисида тўхталди, ва акциядорлардан ушбу ҳисоботни тасдиқлаб беришларини сўради. Илова; “HOMBUR-AUDIT” маъсулияти чекланган жамият шаклидаги аудиторлик ташкилоти томонидан 06.05.2017 йилги ижобий хулоса 6 варақда.

Кун тартибидаги 8-масалакўриб чиқилгандан сўнг умумий йиғилиш қарор қилади:

“Жамиятда 2016 йилда корпоратив бошқарув тизимни баҳолаш натижасини кўриб чиқиш” бўйича Қўшаев Қ.Ҳ. ҳисоботи тасдиқлансин.

“Ёқланди” 328741“Қарши” йўқ. “Бетараф” йўқ.

Кун тартибидаги 9- масала; “Жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш” бўйича Джунаидов Ҳ.Ҳ. ҳисоботи.

